

EDITORIAL LEADERSHIP

Editor-in-Chief:

Rustam SHAMSHIDDINOV – DSc (Law), Professor

Deputy Editor:

Alokhon ALIKARIEVA – PhD (Sociology), Associate Professor, *National University of Uzbekistan*

Editorial Board:

Azamat AKHMEDOV – DSc (Technology), Associate Professor, *Tashkent State Technical University*

Behzod ABBASOV – PhD (History), Associate Professor, *Namangan State University*

Bekhzod ERNAZAROV – PhD (Sociology), Associate Professor, *Urgench State University*

Botirali VAKHOBOV – PhD (History), Associate Professor, *Namangan State University*

Botirjon MALLABAYEV – PhD (History), Associate Professor, *Namangan State University*

Damira MIRZAKHALILOVA – PhD (Economics), Associate Professor, *Tashkent Branch of the Gubkin Russian State University of Oil and Gas*

Dilnoza KHAMDAMOVA – PhD (Technology), *Tashkent Institute of Chemical Technology*

Donokhon ACHILOVA – DSc (Medicine), Associate Professor, *Bukhara State Medical Institute*

Farkhod CHORSHANBIYEV – DSc (Agriculture), Associate Professor, *Tashkent State Agrarian University*

Farkhod IBRAGIMOV – DSc (Technology), Associate Professor, *Tashkent State University of Transport*

Jakhongir BOTIROV – PhD (Medicine), *Andijan State Medical Institute*

Javlon JURAYEV – PhD (Agriculture), Associate Professor, *Tashkent State Agrarian University*

Kamaldin YUNUSOV – DSc (Politics), Professor, *Andijan State University*

Laziz KHAYITOV – PhD (Medicine), *Samarkand State Medical Institute*

Marifjon AKHAMEDOV – PhD (Pedagogy), Associate Professor, *State Conservatory of Uzbekistan*

Mokhigul OTAMIRZAEVA – PhD (Geography), *University of Business and Science*

Mokhirakhon MUYDINOVA – PhD (Sociology), *Namangan State University*

Muyassar NAVRUZOVA – PhD (Philology), Associate Professor, *Bukhara State University*

Nigora ASHUROVA – PhD (Medicine), Associate Professor, *Bukhara State Medical Institute*

Nodirakhon NISHONOVA – PhD (Medicine), *Andijan State Medical Institute*

Olga KOMAROVA – Associate Professor, *Uzbekistan State Institute of Arts and Culture*


Sarvara BOBOKULOVA – PhD (Medicine), *Bukhara State Medical Institute*

Shakhnoza SADIKOVA – Associate Professor, *Tashkent State Technical University*

Sirojiddin SHIRMATOV – PhD (Pedagogy), Associate Professor, *Customs Institute of the State Customs Committee*

Umid MUKHITDINOV – PhD (Technology), Associate Professor, *Tashkent Institute of Chemical Technology*

Vasila UMAROVA – PhD in (Technology), Associate Professor, *Tashkent Institute of Chemical Technology*



FOREIGN EXPERIENCE IN IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF WATER SUPPLY MANAGEMENT

Mirabbos Mirzokirov¹.

¹ Independent Researcher, Staff Member of the Namangan Regional Department of Justice.

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.19219431>

Key words: *water resource management, organizational and legal frameworks, basin-based approach, institutional mechanisms, economic instruments, foreign experience, water sector, integrated management.*

ABSTRACT

This article analyzes the improvement of the organizational and legal foundations of water management in Uzbekistan based on the experience of foreign countries. The objective of the study is to identify effective institutional and legal mechanisms in the field of water resource management and to assess the possibilities for their adaptation to national conditions. The research employs comparative legal analysis, a systems approach, case study, and institutional-functional analysis. Various models of water resource management are examined through the experiences of Israel, France, Russia, Belarus, and Armenia. The findings demonstrate that the implementation of the basin-based management principle, the integration of state regulation and market mechanisms, the application of economic instruments, and the clear distribution of institutional responsibilities are of critical importance for effective water resource governance. In conclusion, the study substantiates that the introduction of an integrated approach to water management and the targeted adaptation of foreign experience represent effective directions for improving the water management system in Uzbekistan.

СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Калит сўзлар: *сув ресурсларини бошқариш, ташкилий-хуқуқий асослар, ҳавза тамойили, институционал механизмлар, иқтисодий инструментлар, хорижий тажриба, сув хўжалиги, интеграциялашган бошқарув.*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда сув хўжалигини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг мақсади сув ресурсларини бошқариш соҳасида самарали институционал ва хуқуқий механизмларни аниқлаш ҳамда уларни миллий шароитга мослаштириш имкониятларини баҳолашдан иборат. Тадқиқотда қиёсий-хуқуқий таҳлил, тизимли ёндашув, кейс-таҳлил ва институционал-функционал таҳлил усулларидан фойдаланилди. Исроил, Франция, Россия, Беларусь ва Арманистон тажрибаси асосида сув ресурсларини бошқаришнинг турли моделлари ўрганилди. Таҳлил натижалари сув ресурсларини бошқаришда ҳавза тамойилини жорий этиш, давлат назорати ва бозор механизмларини уйғунлаштириш, иқтисодий инструментлардан фойдаланиш ҳамда институционал ваколатларни аниқ тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Хулоса сифатида, сув хўжалигини бошқаришда интеграциялашган ёндашувни жорий этиш ва хорижий тажрибани мақсадли адаптация қилиш Ўзбекистон учун самарали йўналиш экани асослаб берилди.

Ўзбекистонда сув хўжалигини таъминлаш соҳасида ташкилий-хуқуқий асосларни такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни миллий шароитга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, вақт ва амалиёт синовидан муваффақиятли ўтган технологиялар, бошқарув моделлари ҳамда институционал мувофиқлаштириш механизмлари ушбу жараёнда устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хорижий тажрибани самарали ўзлаштириш учун тадқиқот объекти сифатида танланадиган давлатларни аниқлаш муҳим методологик босқич ҳисобланади. Чунки иқлим шароити, бошқарув тизими ва сув ресурсларидан фойдаланиш хусусиятлари ўхшаш бўлган мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш юқори самарадорликни таъминлайди. Шу муносабат билан, тадқиқот доирасида Ўзбекистон шароитига мос келувчи мезонларни белгилаш ва улар асосида давлатларни саралаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон сув хўжалиги тизимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- a) сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига йўналтирилган (ўртача 90–91 фоиз) [1];
- b) қишлоқ хўжалиги ерларининг деярли барчаси сунъий суғоришга асосланган; ирригация инфратузилмасининг эскирганлиги ва бу билан боғлиқ сув йўқотишларининг юқори даражаси (35–40 фоиз) [1];
- c) сувдан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги (1 м³ сув ҳисобига тахминан 0,6 АҚШ доллари маҳсулот ишлаб чиқарилади, жаҳон ўртача кўрсаткичи эса 15 АҚШ долларини ташкил этади) [2].

Мазкур хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, хорижий тажрибани ўрганиш учун давлатлар шартли равишда икки гуруҳга ажратилди: биринчиси – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари, иккинчиси – сув хўжалигини бошқаришда юқори самарадорликка эришган илғор хорижий давлатлар. МДХ давлатлари тарихий жиҳатдан ягона иқтисодий ва институционал маконда шаклланганлиги сабабли бошқарув тизими ва инфратузилмавий жиҳатлар бўйича Ўзбекистонга яқин ҳисобланади. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги кўшни давлатлар ўртасида сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари ўзаро боғлиқ бўлиб, иқлим шароитлари ҳам ўхшашдир.

Шу билан бирга, сув танқислиги шароитида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар орқали юқори самарадорликка эришган Испания, Исроил, Франция, АҚШ ва Марокаш каби давлатлар тажрибасини ўрганиш тадқиқотнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланди.

Методология

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий асосланганлигини таъминлаш мақсадида замонавий илмий тадқиқот методларидан фойдаланилди. Хусусан, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тизимли ёндашув, кейс-таҳлил (case study) ҳамда институционал-функционал таҳлил усуллари қўлланилди. Ушбу методлар хорижий тажрибани комплекс баҳолаш ва уни миллий шароитга адаптация қилиш имконини беради.

Исроил тажрибаси

Жаҳон амалиётида сув танқислигини бартараф этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар орасида Исроил тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу давлат чекланган сув ресурслари шароитида самарали бошқарув тизимини шакллантириш орқали барқарор сув таъминотига эришган.

Исроилда сув стратегик табиий ресурс сифатида эътироф этилади ва уни бошқариш давлат томонидан қатъий тартибга солинади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этиш орқали сувдан оқилона фойдаланиш рағбатлантирилади. Хусусан, сув истеъмолчини тартибга солишда иқтисодий инструментлар, жумладан, дифференциаллашган тариф сиёсатидан фойдаланилади [3].

Мазкур тизим доирасида барча сув манбалари, жумладан хусусий қудуқлар ҳам давлат томонидан ҳисобга олинади ва улардан фойдаланиш учун тўлов мажбурий ҳисобланади. Исроилда “Мекорот” давлат компанияси чучук сувнинг асосий етказиб берувчиси сифатида фаолият юритиб, давлат томонидан белгиланган тарифлар асосида истеъмолчиларни сув билан таъминлайди. Сув нархи унинг истеъмол ҳажмига мутаносиб равишда ўзгариб боради [3].

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида давлат томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари ва таркиби қатъий тартибга солинади. Фермерлар учун етиштириладиган маҳсулот тури ва ҳажмига қараб йиллик сув квоталари белгиланади. Шу билан бирга, босқичли тариф тизими жорий этилган бўлиб, белгиланган квота доирасида сувдан фойдаланиш арзонроқ, ортиқча истеъмол эса юқори тарифлар асосида баҳоланади. Бу эса сув ресурсларидан тежамкор фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиради [4].

Исроилда чучук сув таъминотида ер ости сув ресурслари устувор аҳамиятга эга бўлиб, улар табиий ва сунъий қайта тўлдириш механизмлари орқали қўллаб-қувватланади. Жумладан, тошқин сувларини йиғиш ва инфилтрация ҳудудларига йўналтириш, шунингдек, тозаланган оқова сувларни қайта ишлатиш амалиёти кенг жорий этилган. Ер ости сувлари ва табиий сув манбалари мамлакат чучук сув таъминотининг асосий қисмини ташкил этади, қайта ишланган оқова сувлар эса, айниқса, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади [5].

Хулоса қилиб айтганда, Исроил тажрибаси сув ресурсларини бошқаришда комплекс ва интеграциялашган ёндашув намунаси ҳисобланади. Ушбу моделнинг асосий элементлари сифатида сувни стратегик ресурс сифатида эътироф этиш, давлат назорати ва бозор механизмларини уйғунлаштириш, тарифларни дифференциация қилиш орқали тежамкорликни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалигида квоталаш тизимини жорий этиш ҳамда сув ресурсларини қайта тиклаш ва қайта фойдаланиш амалиётини кенгайтиришни қайд этиш мумкин.

Арманистон

Арманистонда сув ресурсларини бошқариш тизими 2002 йилда қабул қилинган Сув кодексига асосланади ва у ҳавза тамойилини институционал даражада жорий этишни назарда тутди. Мазкур кодексга мувофиқ, миллий даражада сув сиёсати масалаларини муҳокама қилиш ва ҳукуматга тавсиялар тақдим этиш мақсадида Миллий сув кенгаши ҳамда унинг таркибида Низоларни ҳал қилиш комиссияси ташкил этилиши белгиланган. Бироқ Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти таҳлилларига кўра, Низоларни ҳал қилиш комиссияси 2019 йилда тугатилган бўлиб, сув муносабатлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишда суд тизими асосий механизм сифатида шаклланган [6].

Трансчегаравий сув ресурслари комиссияси давлатлараро битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича қўшма комиссиялар ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш учун масъул ҳисобланади. Шу билан бирга, сув ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли орган сифатида Сув ресурсларини бошқариш агентлиги сувдан махсус фойдаланишга рухсатномалар бериш, сув кадастрини юритиш, сувдан фойдаланишни тартибга солиш ва ҳавза бошқарув режаларини ишлаб чиқиш каби функцияларни амалга оширади [7].

Бундан ташқари, Давлат гидрометеорология ва мониторинг хизмати сув объектлари бўйича мониторинг ва таҳлил ишларини амалга оширади [8]. Экологик қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш ва ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар қўллаш ваколати Давлат экология инспекциясига юклатилган.

Шундай қилиб, Арманистонда сув ресурсларини бошқариш тизими ҳавза тамойили асосида институционаллаштирилган бўлиб, ваколатлар сиёсатни шакллантириш, лицензиялаш ва кадастр юритиш, ҳавза режалаштириш, мониторинг ҳамда экологик назорат ўртасида тақсимланган. Шу билан бирга, низоларни ҳал этиш бўйича махсус институционал механизмнинг қисқариши ва суд тизимининг устуворлиги кучайиши мазкур тизимда институционал мувофиқлаштириш ва барқарорлик масалалари долзарблигини кўрсатади.

Беларус

Беларус Республикасида сув ресурсларини бошқариш бўйича асосий ваколатлар Табиат ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигига юклатилган бўлиб, у сувдан фойдаланишни тартибга солиш, сув сифатини назорат қилиш, сув олиш ва оқова сувларни чиқариш меъёрларини белгилаш, шу жумладан тегишли тўлов ва солиқ механизмларини жорий этиш вазифаларини амалга оширади.

Беларус қонунчилигида сув ресурсларини бошқаришда ҳавза тамойили асосида режалаштириш ёндашуви мустаҳкамланган бўлиб, 2014 йилда қабул қилинган Сув кодекси ҳамда миллий сув стратегияси доирасида бошқарув тизимини Европа Иттифоқининг Сув доирасидаги директиваси тамойилларига яқинлаштириш чоралари белгиланган.

Сув кодексига мувофиқ, Табиат ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги асосий дарё ҳавзалари учун 5–10 йиллик ҳавза бошқарув режаларини ишлаб чиқади ва ушбу режалар тегишли ҳудудий ижроия қўмиталари қарорлари билан тасдиқланади [9].

Сув сиёсати ва хизматларини амалга оширишда бир қатор давлат органлари иштирок этади. Хусусан:

- a) ичимлик сув таъминоти миллий даражада Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;
- b) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ичимлик суви сифати стандартларига риоя этилишини таъминлайди;
- c) дренаж ва суғориш масалалари тегишли қишлоқ хўжалиги органлари ваколатига киради;

- d) фавкулодда ҳолатлар шароитида сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсат бериш жараёнида Фавкулодда вазиятлар вазирлиги иштирок этади; Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ирригация ва сув хўжалигига оид йўналишларда иштирок этади [10].

Шунингдек, айрим вазифалар ҳудудий даражада вазирликларнинг вилоят кўмиталари томонидан амалга оширилиб, улар бир вақтнинг ўзида маҳаллий ижро ҳокимияти органларига бўйсунди. Сув ресурсларини бошқариш жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари, сув таъминоти корхоналари, саноат субъектлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ҳамда жамоат экологик ташкилотлари ҳам иштирок этади.

Россия

Россия Федерациясида сув ресурсларини ҳавза тамойили асосида бошқаришга оид ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий механизмлар шаклланди бўлиб, улар мамлакатнинг федератив тузилиши билан белгиланади. Хусусан, ҳавзавий кенгашлар ташкил этиш амалиёти федерал марказ, федерация субъектлари ва иқтисодийнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиришга қаратилган. Россия Федерацияси Сув кодексига мувофиқ, ҳавзавий кенгашлар фаолиятида сув истеъмолчилари ва жамоатчилик вакилларининг иштирок этиши назарда тутилган. Ушбу кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми Табиий ресурслар бўйича федерал вазирлик ҳамда тегишли сув ҳавзаси ҳудудида жойлашган федерация субъектлари ижро ҳокимияти органлари ўртасида тузиладиган “ҳавзавий келишув” билан бевосита боғлиқдир.

Жумладан, Россия Федерацияси Сув кодексининг 120-моддасига мувофиқ, ҳавзавий кенгаш муайян сув объектини қайта тиклаш ва муҳофаза қилишга қаратилган кўшма фаолиятни мувофиқлаштирувчи орган сифатида ташкил этилади [11].

Шундай қилиб, Россия амалиётида ҳавзавий кенгашлар сув ресурсларини бошқаришда соҳалараро ва ҳудудлараро мувофиқлаштиришни таъминловчи асосий институт сифатида фаолият юритади ҳамда турли субъектларнинг ҳавзавий келишув доирасидаги мажбуриятларини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибаси: Франция

Европа Иттифоқининг 2000 йилда қабул қилинган Сув доирасидаги директиваси тамойиллари Франциянинг сув ресурсларини бошқариш тизими асосида шаклланди. Француз модели 1960-йилларда бошланган марказлаштиришдан воз кечиш сиёсати доирасида сув ресурсларини бошқариш тизимини институционал қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган [12].

Ҳозирги кунда Францияда сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги асосий ваколатлар Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика ва денгиз вазирлиги таркибидаги Сув ресурслари ва биологик хилма-хиллик бошқармасига юклатилган [30].

Франциянинг сув ресурсларини бошқариш сиёсати қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

- сув ресурсларини гидрографик бирликлар (ҳавзалар) асосида номарказлаштирилган тарзда бошқариш;
- ҳавза агентликлари томонидан ҳавза бошқарув режалари ва чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;
- қарор қабул қилиш жараёнига турли даражадаги иштирокчиларни (Миллий сув кўмитаси, ҳавза кўмиталари, маҳаллий сув кўмиталари) кенг жалб этиш.

Молиявий сиёсат эса қуйидаги тамойилларга асосланади:

- сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш учун тўловлар хизмат кўрсатиш харажатларини, шу жумладан капитал харажатларни тўлиқ қоплаши лозим;
- қишлоқ ҳудудларда сув таъминоти тизимлари юқори харажат талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда, тўловлардан тушган маблағларнинг бир қисми махсус давлат жамғармалари орқали қайта тақсимланади ва субсидиялашга йўналтирилади;
- “ифлослантувчи тўлайди” тамойили асосида сувдан фойдаланувчилар томонидан харажатлар қопланади;
- коммунал хизматлар доирасида барча турдаги оқова сувлар, жумладан маиший ва ёмғир сувларини бошқаришга ягона интеграциялашган ёндашув қўлланилади.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда сув хўжалигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибасини тизимли ва мақсадли равишда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, иқлим шароити, сув ресурсларидан фойдаланиш хусусиятлари ва бошқарув тизимлари ўхшаш бўлган мамлакатлар тажрибасини танлаш ва адаптация қилиш юқори самарадорликни таъминлайди.

Таҳлиллар Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, сув ресурсларининг катта қисми қишлоқ хўжалигига сарфланиши, ирригация инфратузилмасининг эскирганлиги, сув йўқотишларининг юқори даражаси ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги соҳада институционал ва иқтисодий механизмларни такомиллаштириш зарурлигини белгилайди.

Хорижий тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, сув ресурсларини самарали бошқаришда институционал тузилмаларнинг аниқ тақсимланганлиги, ҳавза тамойили асосида бошқарувни ташкил этиш, давлат назорати ва бозор механизмларини уйғунлаштириш, шунингдек иқтисодий рағбатлантириш инструментларини жорий этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хусусан, Исроил тажрибаси сув ресурсларини стратегик ресурс сифатида баҳолаш, сув истеъмолини тариф ва квоталар орқали тартибга солиш, сувдан тежамкор фойдаланишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда қайта ишланган сувдан кенг фойдаланиш орқали барқарор тизимни шакллантириш мумкинлигини кўрсатади. Арманистон ва Беларусь тажрибаси эса ҳавза тамойили асосида бошқарувни институционаллаштириш, ваколатларни аниқ тақсимлаш ва кўп даражали бошқарув тизимини шакллантириш муҳимлигини тасдиқлайди. Россия амалиётида ҳавзавий кенгашлар орқали соҳалараро ва ҳудудлараро мувофиқлаштириш механизмлари шаклланган бўлса, Франция тажрибаси децентрализация, иштирокчилик ва “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилига асосланган молиявий моделнинг самарадорлигини намоён этади.

Умуман олганда, хорижий тажрибалар сув ресурсларини бошқаришда интеграциялашган, институционал жиҳатдан мувофиқлаштирилган ва иқтисодий инструментларга асосланган ёндашувнинг устувор аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Таклифлар

- a) сув ресурсларини бошқаришда ҳавза тамойилини институционал даражада тўлиқ жорий этиш ва ҳавза бошқарув режаларини ишлаб чиқиш амалиётини кенгайтириш;
- b) сув хўжалиги соҳасида ваколатларни аниқ тақсимлаш ва сиёсатни шакллантириш, тартибга солиш, мониторинг ҳамда назорат функциялари ўртасида институционал мувофиқликни таъминлаш;
- c) сувдан фойдаланишни тартибга солишда иқтисодий механизмларни, жумладан дифференциаллашган тарифлар ва тўлов тизимларини жорий этиш;
- d) қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини тартибга солиш мақсадида квоталаш механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш;
- e) сув ресурсларини қайта тиклаш ва қайта фойдаланиш, айниқса тозаланган оқова сувларни қишлоқ хўжалигида қўллаш амалиётини кенгайтириш;
- f) сув ресурсларини бошқариш жараёнига турли манфаатдор томонларни, жумладан давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, сувдан фойдаланувчилар ва жамоатчиликни кенг жалб этиш;
- g) сувдан фойдаланишда “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилига асосланган молиявий механизмларни жорий этиш ва харажатларни тўлиқ қоплаш тизимини шакллантириш.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси. URL: <https://lex.uz/docs/4892953> (мурожаат санаси: 18.12.2025).
2. *Uzbekistan Country Commercial Guide: Agricultural Sectors*. URL: <https://www.trade.gov/country-commercial-guides/uzbekistan-agricultural-sectors> (accessed: 02.12.2025).
3. Борисовна Е. Водные и энергетические ресурсы «Большой» Центральной Азии: дефицит воды и ресурсы по его преодолению. – М.: Ленанд, 2019. – 106 с.
4. Fernandes G. Economic aspects in water management in Israel: policy and prices // June, 2012. – P. 22.
5. Борисовна Е. Водные и энергетические ресурсы «Большой» Центральной Азии: дефицит воды и ресурсы по его преодолению. – М.: Ленанд, 2019. – 106 с.
6. Government of Armenia. *Water Code of the Republic of Armenia*. FAOLEX (electronic resource). URL: <https://faolex.fao.org/docs/pdf/arm34344original.pdf> (accessed: 16.12.2025).
7. World Bank. *Toward Integrated Water Resources Management in Armenia*. URL: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/433731468218409267/pdf/Toward-integrated-water-resources-management-in-Armenia.pdf> (accessed: 16.12.2025).
8. Umweltbundesamt (UBA). *National Report for Armenia (WFD approximation context)*. URL: https://www.umweltbundesamt.de/sites/default/files/medien/1411/beratungshilfe/national_report_for_armenia_eng.pdf (accessed: 16.12.2025).
9. Министерство природных ресурсов и охраны окружающей среды Республики Беларусь. «В Республике Беларусь продолжается внедрение бассейнового принципа управления водными ресурсами». URL: <https://minpriroda.gov.by/ru/news-ru/view/v-respublike-belarus-prodolzhaetsja-vnedrenie-bassejnovogo-printsipa-upravlenija-vodnymi-resursami-2974/> (дата обращения: 16.12.2025).
10. OECD. *Towards Water Security in Belarus*. URL: https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2020/12/towards-water-security-in-belarus_721247b7/488183c4-en.pdf (accessed: 16.12.2025).
11. Салохиддинов А.Т. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш: ўқув қўлланмаси. – Тошкент: ТИКХММИ, 2018. – 141 б.
12. Крутов А.Н. Международная практика совершенствования институциональных структур водного сектора // Водное хозяйство России. – 2020. – № 3. – С. 19–38. DOI: 10.35567/1999-4508-2020-3-2.

ИЛМИЙ ТАҚРИЗ

Тақдим этилган мақола сув хўжалигини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон шароитида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш имкониятлари комплекс таҳлил қилинган. Мазкур мавзу ҳозирги глобал иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг чекланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш зарурати ортиб бораётган шароитда ўта долзарб ҳисобланади.

Мақоланинг илмий янгилиги, аввало, сув ресурсларини бошқариш соҳасида хорижий тажрибани танлашда дифференциал ёндашув таклиф этилганлиги билан изоҳланади. Муаллиф томонидан давлатлар икки гуруҳга – институционал жиҳатдан Ўзбекистонга яқин бўлган МДХ давлатлари ҳамда илғор бошқарув моделларини шакллантирган ривожланган давлатларга ажратилгани илмий жиҳатдан асосланган ёндашув сифатида баҳоланиши мумкин. Шунингдек, ҳар бир мамлакат мисолида сув хўжалигини бошқаришнинг институционал тузилмаси, ҳуқуқий асослари ва иқтисодий механизмлари таҳлил қилиниб, уларнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда келтирилган хулосалар ва таклифлар Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. Хусусан, ҳавза тамойили асосида бошқарувни ривожлантириш, иқтисодий инструментларни жорий этиш, сувдан фойдаланишни квоталаш ҳамда институционал ваколатларни аниқ тақсимлаш каби йўналишлар амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Методологик жиҳатдан мақола қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тизимли ёндашув, кейс-таҳлил ва институционал-функционал таҳлил каби замонавий илмий усулларга асосланган. Ушбу методлар танланган тадқиқот мавзуси учун мос бўлиб, турли мамлакатлар тажрибасини комплекс ва солиштирма таҳлил қилиш имконини берган. Манбалар базаси етарлича кенг қамровли бўлиб, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва илмий адабиётлардан фойдаланилгани тадқиқот натижаларининг ишончлилигини оширади.

Шу билан бирга, мақолада айрим камчиликлар ҳам кузатилади. Жумладан, таҳлил асосан тавсифий характерга эга бўлиб, айрим ҳолларда чуқурроқ қиёсий таҳлил ёки моделлар ўртасидаги самарадорлик кўрсаткичлари етарли даражада очиб берилмаган. Шунингдек, келтирилган таклифларни амалга ошириш механизмлари ва уларнинг эҳтимолий иқтисодий ёки институционал таъсири янада батафсил ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Баъзи жойларда мантикий боғланишни кучайтириш ва умумлаштирувчи хулосаларни кенгайтириш имконияти мавжуд. Мақоланинг кучли жиҳатлари сифатида унинг долзарблиги, хорижий тажрибани тизимли таҳлил қилишга уриниш, илмий асосланган хулосалар ва амалий йўналтирилган таклифларини қайд этиш мумкин. Шу билан бирга, муаллиф томонидан турли мамлакатлар тажрибасини комплекс кўриб чиқиш орқали умумий қонуниятлар ва самарали бошқарув механизмларини ажратиш кўрсатишга эришилган.

Умуман олганда, тақдим этилган мақола илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда кўтарилган масалалар сув ресурсларини бошқариш соҳасида долзарб илмий-амалий муаммоларни қамраб олади. Айрим камчиликлар таҳририй характерга эга бўлиб, уларни бартараф этиш мақоланинг илмий қийматини янада оширади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мазкур мақола илмий талабларга жавоб беради ва тегишли таҳририй ишловлардан сўнг илмий журналда чоп этиш учун тавсия этилади.

Disclaimer ©

This editorial review has been prepared by the Editorial Board of the *Journal of Research & Development* for the purposes of internal editorial assessment and quality assurance within the journal's publication process. This review is intended to provide an analytical overview of the scientific content, methodological approach, and thematic relevance of the submitted work. It does not constitute peer review, does not replace independent expert evaluation, and should not be interpreted as reflecting the personal views of the author(s) or as representing the official position of the journal. The Editorial Board assumes no responsibility for the implementation, interpretation, or consequences of any observations, comments, or analytical conclusions contained in this review. The review may include content generated with the assistance of artificial intelligence tools used for editorial support purposes.

This editorial review is provided solely to enhance transparency in the editorial process and to support the maintenance of academic and publication standards.